# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 28 июнь, № 131 (9026) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ЕОИИ САММИТИ ДОИРАСИДА УЧРАШУВ ЎТКАЗДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 27 июнь куни Минск шаҳридаги Евроосиё иқтисодий иттифоқи саммити доирасида учрашув ўтказдилар.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Икки томонлама ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичларининг ўсиш суръатини таъминлаш, устувор кооперация лойиҳаларини илгари суриш, ҳудудларнинг самарали алоқалари ва фаол маданий-гуманитар алмашинувни қўллаб-қувватлаш борасида биргаликда амалга оширилаётган ишлар мамнуният билан қайд этилди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕОИИ МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 июнь куни Минск шаҳрида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этди.**

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко раислигида ўтган учрашувда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, кузатувчи мақомида Куба Республикаси Президенти Мигель Диас-Канель, Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён (видеомурожаат йўллади) ҳамда Евроосиё иқтисодий комиссияси Ҳайъати раиси Бақитжан Сағинтаев ҳам қатнашди. Меҳмон сифатида Абу-Даби валиаҳд шаҳзодаси Шайх Холид Ол Наҳаён, Мўғулистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Нам-Осорин Учрал ва МДҲ Бош котиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Кун тартибидан кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма дастурларни амалга ошириш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон Президенти нутқининг аввалида ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Ташкилотга аъзо мамлакатларга уларнинг делегациялари жорий йилда Ўзбекистонда ўтказилган «Иннопром. Марказий Осиё» халқаро саноат кўргазмаси ва тўртинчи Тошкент инвестиция форумида фаол иштирок этгани учун миннатдорлик билдирилди.

Ушбу тадбирлар якунида муҳим келишувларга эришилгани, ҳамкорликнинг янги йўналишлари ва истиқболли лойиҳалари белгилаб олингани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш иштирокчиларига Ўзбекистон билан Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўртасида кўп қиррали ҳамкорлик қай даражада ривожланаётгани тўғрисида маълумот берди. Хусусан, кузатувчи давлат мақомидаги ҳамкорлик даврида Ўзбекистоннинг Иттифоқ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 80 фоизга ошиб, ўтган йил якунига кўра 18 миллиард долларни ташкил этди.

Жорий йил март ойида қўшма Ишчи гуруҳнинг тўртинчи йиғилиши муваффақиятли ўтказилди, унинг якунида техник тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва ишбилармонлик ташаббусларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Қарийб 40 та аниқ тадбирни қамраб олган янги уч йиллик Режани амалга ошириш бошланди. Ўзбекистон ЕОИИнинг муҳим ташаббуслари, жумладан, «Евроосиё агроэкспресс», электрон савдони ривожлантириш, юк ташишни рақамлаштириш ва иқлим кун тартиби каби лойиҳа ва дастурларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, апрель ойида мамлакатимизнинг Евроосиё тараққиёт банкини таъсис этиш тўғрисидаги битимга қўшилиш жараёнлари якунланди. Банк билан биргаликда инфратузилмани модернизация қилиш, металлургия, тўқимачилик, кимё ва бошқа стратегик тармоқларда истиқболли лойиҳалар портфели ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ЕОИИ билан шерикликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилди.

Ўзаро товар айирбошлашни кўпайтириш учун қулай шароитлар яратиш муҳимлиги қайд этилди. Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасидаги эркин савдо зонаси фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ барча келишувларни тўлиқ бажариб келаётгани таъкидланди.

Шу маънода, мамлакатимизнинг савдо операцияларини техник тартибга солиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва тизимларини яқинлаштиришга қаратилган қатор таклифларини экспертлар даражасида ишлаб чиқишни жадаллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон савдони қўллаб-қувватлаш воситалари ва механизмларида — ЕОИИ техник жиҳатдан тартибга солишнинг рақамли тизими ва рақамли транспорт йўлаклари экотизими, Евроосиё қайта суғурталаш компанияси кабиларда қатнашишдан манфаатдор экани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Аввало, анъанавий самимий қабул ва бугунги учрашувимизни юқори даражада ташкил этгани учун Беларусь Республикаси Президенти ҳурматли Александр Григорьевич Лукашенкога билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Шунингдек, Евроосиё иқтисодий иттифоқида Беларусь томонининг самарали раислигини, бу даврда кўп томонлама амалий ҳамкорлик сезиларли тарзда фаоллашганини таъкидламоқчиман.

Бугун ҳамкасбларимнинг нутқларида жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган мураккаб вазиятга баҳо берилди. Протекционизм ва санкциялар сиёсатининг кучайиши, савдо-логистика занжирларининг бузилиши ва хорижий шерикларнинг инвестициявий фаоллиги қисқариб бориши оқибатларининг салбий таъсирини биз Ўзбекистонда тўлиқ ҳис этмоқдамиз.

Бизнинг табиий ва анъанавий шерикларимиз бўлган Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш ташқи иқтисодий сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, жорий йил бошидан буён Ўзбекистонда бўлиб ўтган “Иннопром. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси ва тўртинчи Тошкент инвестиция форумини қўллаб-қувватлагани ва уларнинг ишида делегацияларингиз фаол иштирок этгани учун барча ҳамкасбларимга миннатдорлик изҳор этаман.

Ушбу тадбирлар якунида муҳим келишувларга эришилди, кооперация бўйича янги йўналишлар ва истиқболли лойиҳалар белгиланди. Биз мамлакатларимизнинг янада кўпроқ етакчи компаниялари ва молиявий гуруҳларини жалб этган ҳолда ушбу ҳамкорлик майдончаларини кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Сизларга Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кўп томонлама ҳамкорлиги қандай ривожланаётгани ҳақида қисқача маълумот бермоқчиман.

Кузатувчи давлат мақомидаги тўрт йиллик ҳамкорлик даврида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 80 фоизга ўсди ва ўтган йил якуни бўйича 18 миллиард долларни ташкил этди. Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, савдо операциялари номенклатураси, аввалambор, саноат маҳсулотларини етказиб бериш ҳисобидан кенгаймоқда. Қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони уч баробар ўсди.

Жорий йилнинг март ойида Қўшма ишчи гуруҳининг тўртинчи мажлиси муваффақиятли ўтказилиб, унинг якунида техник тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва ишбилармонлик ташаббусларини рағбатлантириш бўйича келишилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Биз 40 та аниқ чора-тадбирни қамраб олган, уч йилга мўлжалланган янги Режани амалга оширишга киришдик.

Ўзбекистон, шунингдек, Евроосиё иқтисодий иттифоқининг муҳим ташаббусларида, жумладан, “Евроосиё агроэкспресс”, электрон савдони ривожлантириш, юкларни ташишни рақамлаштириш ва иқлим масалалари каби лойиҳа ва дастурларда фаол иштирок этмоқда.

Апрель ойида барча тартиб-таомилларни якунига етказдик ва Евроосиё тараққиёт банкини таъсис этиш ҳақидаги битимга қўшилдик. Банк билан ҳамкорликда инфратузилмани модернизация қилиш, металлургия, тўқимачилик, кимё соҳалари ва бошқа стратегик тармоқларда истиқболли лойиҳалар портфели ишлаб чиқилмоқда.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан шерикликни янада ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини кўрсатиб ўтмоқчиман.

Биз ўзаро савдо айланмасини кенгайтириш учун қулай шароитларни шакллантиришга муҳим аҳамият қаратамиз.

Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасидаги эркин савдо ҳудуди фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ барча келишувларни тўлиқ ҳажмда бажармоқда.

Савдо операциялари тартиб-таомилларини соддалаштириш ва техник тартибга солиш тизимларини яқинлаштиришга қаратилган қатор таклифларимиз экспертлар томонидан ўрганиб чиқилишини тезлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз, шунингдек, савдони қўллаб-қувватлашда техник тартибга солишнинг рақамли тизимлари ва Иттифоқнинг рақамли транспорт йўлаклари экотизими, Евроосиё қайта суғурталаш компанияси каби восита ва механизмларга қўшилишдан манфаатдормиз. Бу бизнинг бизнесимиз учун шароитни сезиларли даражада енгиллаштиради, мамлакатларимизнинг товар бозорларига ўзаро киришида қулай имкониятларни таъминлайди.

Замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект жадал ривожланиб бораётганини ҳисобга олиб, рақамлаштириш соҳасида кўп томонлама ҳамкорлик қилиш истиқболга эга, деб ҳисоблаймиз.

Электрон савдо, маҳсулотларнинг рақамли маркировкаси, янги авлод логистика платформаларини яратиш, аниқ тармоқларда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича йўналишларни қамраб олган алоҳида дастур қабул қилишни таклиф этамиз.

Шунингдек, Ўзбекистон ўтказиш пунктларининг ягона интеграллашган ахборот тизимида иштирок этиш имконига эга эканини ҳам таъкидламоқчиман. Бу, энг аввало, чегаралардан ўтишни тезлаштириш, мониторинг самарадорлиги ва барча жараёнлар шаффофлигини таъминлаш имконини беради.

Техник жиҳатдан биз бундай лойиҳаларда фаол иштирок этишга тайёрмиз.

Кооперация алоқаларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ишга туширилган дастурлар, жумладан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи Ишбилармонлик кенгаши билан қўшма чора-тадбирлар доирасида амалий ҳамкорликни кенгайтиришни таклиф этамиз.

Саноат соҳасидаги лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ҳамда саноат кооперацияси ва технологиялар трансфери бўйича Евроосиё тармоғи платформаси имкониятларидан фойдаланишдан манфаатдормиз.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорлиги учун имкониятларни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимдир. Бу ўринда сўз, аввало, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан Агрокооперация дастурини қабул қилиш ҳақидаги ташаббусимизни амалга ошириш ҳақида бормоқда. Ушбу дастур илғор технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳаракатланиши тартибларини соддалаштириш, “яшил” йўлакларнинг самарали фаолияти ва уларни кенгайтиришни назарда тутади.

Евроосиё иқтисодий иттифоқидаги ҳамкорларимиз билан биргаликда меҳнат ресурслари тартиб-таомилларини соддалаштириш ва сафарбар этилишини ошириш бўйича фаол иш олиб боряпмиз. Шу муносабат билан меҳнат бозорида талаб катта бўлган соҳаларда профессионал стандартлар ва малака талабларини яқинлаштириш масалалари бўйича экспертлар маслаҳатлашувларини ўтказишни таклиф этамиз.

Агар ҳамкасбларимиз қўллаб-қувватлашса, биз Ташкилот доирасида жорий этилган “Чегара билмайдиган иш” интеграциялашган платформасига ҳам қўшиламиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Сўзимнинг якунида Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида биз амалий ҳамкорликни кенгайтиришга содиқ эканимизни яна бир бор тасдиқлайман.

Аминманки, Ўзбекистоннинг юқорида таъкидлаб ўтилган кўп томонлама дастур ва лойиҳаларда иштирок этиши иқтисодий шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилади ва бугунги шароитда мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишига имкон беради.

**Тадбир**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИДА МУҲИМ ИНСТИТУТ

*Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ташаббуси билан “Омбудсманнинг давлат ҳокимияти бошқаруви органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги” мавзуида республика конференцияси ўтказилди.*

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзи билан иштирок этди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Омбудсман ҳамда Болалар омбудсманининг фаолияти кучайтирилди ва ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди, қонунчилик базаси такомиллаштирилиб институционал асослар янада мустаҳкамланди.

Шу нуқтаи назардан, Омбудсманнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқаролар учун муносиб турмуш ҳамда меҳнат шароитларини яратишга қаратилган фаолияти самарадорлигини янада ошириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

2

## ОНГУ ҚАЛБ ПОСБОНЛАРИ — ЖУРНАЛИСТЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

*Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали тадбир ҳамда “Олтин қалам” XIX Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди.*

**Шукуҳ**

Унда устоз журналистлар, соҳа фидойилари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар, қатор хорижий давлатларнинг медиа ташкилотлари ходимлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Президент Матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Табрикда таъкидланганидек, бепоён медиаоламда холис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш билан бирга, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қиладиган журналист аҳлининг машаққатли меҳнатини муқаддас сарҳадларимизда сергак турган Ватан посбонларининг жасоратига қиёсласак, ўринли бўлади.

2

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕОИИ МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект жадал ривожланаётганини ҳисобга олиб, рақамлаштириш соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорлик истиқболлари кўрсатиб ўтилди. Бу борада электрон савдо, товарларни рақамли маркировкалаш, янги авлод логистика платформаларини яратиш, муайян тармоқларда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш каби йўналишларни қамраб олган алоҳида дастур қабул қилиш таклиф этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ўтказиш пунктларининг ягона интеграциялашган ахборот тизимида иштирок этиши мумкинлиги таъкидланди. Бу чегаралардан ўтишни тезлаштириш, мониторинг самарадорлиги ва барча тартиб-таомилларнинг шаффофлигини таъминлаш имконини беради.

Кооперация алоқаларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича йўлга қўйилган дастурлар доирасида, шу жумладан, ЕОИИ Ишбилармонлар кенгаши билан биргаликда амалий ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлик билдирилди.

Ўзбекистон саноат лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ҳамда Саноат кооперацияси ва технологиялар трансфери бўйича Евроосиё тармоғи платформасининг имкониятларидан фойдаланишдан манфаатдор эканлиги айтилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ҳамкорлиги учун имкониятларни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ мамлакатлари билан Агрокооперация дастурини қабул қилиш ҳақидаги ташаббусни амалга ошириш шулар жумласидан. Ушбу дастур илғор технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш қоидаларини соддалаштириш, «яшил» йўлакнинг самарали ишлаши ва кенгайтирилишини назарда тутади.

Бундан ташқари, ЕОИИ бўйича ҳамкорлар билан тартиб-қоидаларни соддалаштириш ва меҳнат ресурслари ҳаракатчанлигини ошириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан меҳнат бозорида талаб юқори бўлган соҳаларда касбий стандартлар ва малака талабларини яқинлаштириш масалалари юзасидан экспертлар маслаҳатлашувини ўтказиш таклиф этилди.

Шунингдек, ташкилот доирасида ишга туширилган «Чегара билмайдиган иш» интеграциялашган платформасига қўшилишга тайёрлик ҳам билдирилди.

Якунда давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ЕОИИ доирасидаги кўп томонлама дастур ва лойиҳаларда иштироки иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳамда мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Беларусь Республикасига амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

# ОНГУ ҚАЛБ ПОСБОНЛАРИ — ЖУРНАЛИСТЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА



1 Эл-юртимиз тинчлиги, тараққиёти, фаровонлиги учун қудратли восита — сўз орқали курашиб яшаётган матонат ва жасорат соҳиблари бугун ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Касб байрами арафасида Президентимизнинг “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, фидойи ҳамкасбларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланганини сўзимиз исботи.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ана шу мукофотларни ўз эгаларига топширди.

Тақдирланганлар номидан сўз олган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти бош муҳаррири Салим Дониёров, “Шуҳрат” медали соҳиблари — “Gazeta.uz” интернет нашри муҳаррири Элина Сакаева, “Kamoliddin Rabbimov” телеграм канали асосчиси, сиёсатшунос ва блогер Камолиддин Раббимов ўз қувонч туйғуларини, миннатдорлигини билдирар экан, бугун Ўзбекистонда қўлга киритилаётган кўплаб ютуқлар, ўзгариш ва янгиланишлар замирида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган очиқлик ва ошкоралик сиёсати мужассам эканини таъкидлашди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш борасида муҳим қадамлар ташланди. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқлари кафолатланди. Айниқса, журналистларнинг узоқ йиллар давомида эмин-эркин фаолият юритишига имкон бермай келган турли ғовлар бартараф қилинди. Турли маъмурий, норасмий чекловлар олиб ташланди. Жамиятда ҳар ким ўз фикрини бемалол билдириши, мурожаат ва эътирозлари, таклиф ва шикоятларини эркин ифода этиши учун зарур ҳуқуқий база, қулай шарт-шароитлар яратилди.

Инсоннинг сўз айтиш, ахборот олиш ва тарқатиш, журналистик фаолият билан шуғулланиш эркинлиги кафолатлари тубдан мустаҳкамлангани боис бугун оммавий ахборот воситалари чинакам халқ минбари, демократик қадриятлар кўзгусига айланиб бормоқда.

Одамлар дарду ташвишларини аритиш, жойлардаги муаммоларни ҳал этиш учун машаққатли меҳнат қилаётган медиа воситалари, журналистлар, блогерлар алоҳида эътирофга сазовор бўлмоқда. Очиқ фикр ва уйғоқ қалб билан фаолият юритаётган заҳматкаш инсонларни муносиб рағбатлантиришда анъанавий тарзда ўтказилаётган “Олтин қалам” Миллий мукофоти муҳим ўрин тутиб келмоқда.



Акмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган мазкур танловнинг йил сайин нуфузи, кўламдорлиги ошиб бормоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида танлов бутунлай янгича низом асосида ташкил этиляпти. Жумладан, бош миллий мукофот учун автомобиль тақдим қилинмоқда. Биринчи ўрин соҳиби базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари, иккинчи ўринни олган базавий ҳисоблаш миқдорининг 175 баравари, учинчи ўрин эгаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланяпти. Рағбатлантирувчи номинациялар сони ва уларга бериладиган пул мукофотлари ҳам оширилган. Хусусан, 12 та рағбатлантирувчи номинациянинг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти ажратилмоқда.

Ижодий ишларни саралашда ҳам очиқлик ва шаффофликка эътиборнинг кучайгани мукофотнинг оммаболлигини янада юксалтирмоқда. Жумладан, бу йилги танловда 500 га яқин журналист ва ОАВ вакиллари 3 250 дан зиёд ижодий ишлари билан иштирок этди. Бу, ўз навбатида, журналистларнинг эл-юрт тақдирига дахлдорлик, масъулият туйғулари, фуқаролик позицияси юксалиб бораётганини ҳам кўрсатади.

Танловга тақдим этилган ишлар ҳайъат аъзолари томонидан иштирокчининг юксак профессионализми, танқидий-таҳлилий мушоҳадакорлиги, ифода маҳорати, ижодий фаолиятга янгича ёндашуви асосида баҳоланди.

Тадбирда телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлар йўналишлари, барча номинациялар бўйича ғолиблар махсус статуэтка, пул мукофоти ва дипломлар билан тақдирланди. Бош мукофот “Гулхан” журнали таҳририятига насиб этди. Журнал бош муҳаррири Заҳро Ҳасановага енгил автомобиль калити, махсус статуэтка ва диплом тантанали равишда топширилди.

— Биз учун қўшалоқ байрам бўлди. Юксак мукофотга лойиқ кўрилганимиздан жуда хурсандмиз, — дейди Заҳро Ҳасанова. — Болалар нашри ҳисобланган “Гулхан” журналига кўрсатилаётган эътиборни келажакка эътибор, деб биламан. Онгу қалб учун кескин кураш кетаётган ҳозирги долғали замонда давлатимиз раҳбари томонидан болалар учун сифатли, мазмунли контент тайёрлаш, навқирон авлодни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш масаласига алоҳида урғу берилмоқда. Президентимиз табригида қайд этилганидек, бу борада 2030 йилгача болалар учун мўлжалланган миллий контентлар, жумладан, нашр маҳсулотлари фойда солиғидан озод қилиниб, ижтимоий солиқ 1 фоиз миқдорида белгиланган, қўшилган қиймат солиғини қайтариш тартиби жорий этилгани муҳим қадам бўлди. Янги тузилган Болалар контентини ривожлантириш маркази ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни эзгулик ва маърифатга ошно этишда катта ўрин тутади. Ушбу қизғин ва масъулиятли жараёнда биз, матбуотчилар ҳам янада кучли иштиёқ ва илҳом билан ижод қиламиз.

Қувонарлиси танлов ғолиблари сафида ҳамкасбимиз ҳам бор. “Халқ сўзи” газетасининг бўлим муҳаррири Фахриддин Бозоров босма нашрлар йўналиши бўйича 2-ўринга сазовор бўлди.

— Ғолиблар сафида эканимдан бағоят мамнунман, — дейди у. — Юртимизда меҳнат қилган, изланган киши ҳеч қачон эътибордан четда қолмаслигига яна бир бор амин бўлдим.

Маросимда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов иштирок этди.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**



Таҳририятимиз жамоаси учун яна бир эътиборли воқелик — Президентимизнинг “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари бош муҳаррири ўринбосари Фазлиддин Абиловнинг “Шуҳрат” медали билан тақдирланганидир. Жонкуяр ва талабчан журналистни ушбу мукофот билан табриклаб, унга янги ижодий марралар сари дадил одимлашда куч-қувват, ғайрат-шижоат тилаймиз.

# Мунозаралар мавзуси – лойиҳалар ижроси

*Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Унда ташаббусли бюджет жараёнида Қашқадарё вилоятида ғолиб топилган лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ҳолатини ўрганиш натижалари юзасидан масъул вазирлик ва идоралар ҳамда ҳудудий раҳбарларнинг ахборотлари эшитилди.*

## Сенат қўмитасида

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида жамоатчилик иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ҳамда сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўтган 2024 йил ва жорий йилнинг 1-мавсуми давомида ўтказилган ташаббусли бюджет жараёнида Қашқадарё вилоятида фуқаролар фаол иштирок этиб, улар томонидан ушбу даврда 6,5 мингдан ортиқ лойиҳалар илгари сурилган.

Натижада жами қиймати 690 млрд. сўмлик жамоат манфаатларига хизмат қилувчи 518 та лойиҳа ғолиб топилиб, кўплаб ҳудудлардаги ички йўллар, умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳамда мактабгача таълим муассасалари ҳолатини яхшилаш каби масалалар ҳал этилган.

Шунингдек, мажлисда ташаббусли бюджет жараёнини амалга оширишда айрим муаммолар ва камчиликларга йўл қўйилганига ҳам тўхталиб ўтилди.

Жумладан, ҳудудларда Бюджет кодекси талабларига тўлиқ амал қилинмаган ҳолда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга туман (шаҳар) бюджетлари қўшимча манбаларининг тўлиқ йўналтирилмаганлиги ҳолатлари мавжуд.

Бундан ташқари, овоз бериш жараёнида 1,3 миллиондан ортиқ фуқаролар томонидан лойиҳаларга овоз берилган бўлса-да, мазкур кўрсаткич вилоятдаги маҳаллалар кесимида таҳлил қилинганда вилоятдаги 173 та маҳалла овоз бериш жараёнида қатнашмаган. 2024 йилда ўтказилган ташаббусли бюджет жараёнида 323 та объектнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида прокуратура органларида ташкил этилган штаблар томонидан 22,5 млрд. сўмлик ортиқча қиймат суммаси мақбуллаштирилган.

Мажлисда “Очиқ бюджет” ахборот порталининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, олис ва чекка ҳудудларда овоз бериш тизимидаги камчиликлар, маблағларни мақсадли ишлатишни назорат қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИДА МУҲИМ ИНСТИТУТ

1 Президентнинг 2021 йил 10 сентябрдаги Фармони асосида Омбудсман инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда фаол иштирок этувчи парламент назорати институти сифатида белгиланган. Шу асосда Омбудсманнинг 14 та минтақавий вакили фаолияти йўлга қўйилди, мурожаатларни қабул қилиш ва таҳлил этиш тизими рақамлаштирилди, қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва бартараф қилиш механизмлари такомиллаштирилди.

Анжуманда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шахсий дахлсизлик, хусусий мулк, сўз ва виждон эркинлигини кафолатлашга қаратилган тизимли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституцияда мазкур ҳуқуқлар кафолатланганини қайд этилди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш барча давлат органлари зиммасидаги муҳим конституциявий мажбурият ҳисобланиши ва бу йўналишдаги ишлар самарадорлиги давлат ҳокимияти идоралари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка бевосита боғлиқ эканини айтилди.

Омбудсман эса ушбу жараёнда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва парламент назоратини амалга оширишда таъсирчан ҳамда ишончли платформа сифатида ўз фаолиятини изчил давом эттираётгани, ҳар йили 20 мингдан ортиқ фуқаролик мурожаатларини кўриб чиқаётгани ва қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам фаол қатнашаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, фуқароларга электрон мурожаат юбориш, жавобларни онлайн олиш, кутиш хоналари, тиббий хизмат пунктлари каби қулай инфратузилмалар шакллантирилгани билдирилди.

Конференция якунида иштирокчилар томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда амалий чора-тадбирларни фаоллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

**«Халқ сўзи».**

## Парламент сўрови

# ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

*Куни кеча ўз ишини якунлаган Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз учун аҳамиятли бўлган қатор қонун ва масалалар муҳокама этилди. Бундан ташқари, Сенат ўрганишлари натижасида ҳал қилиниши муҳим бўлган айрим масалалар юзасидан парламент сўровлари юбориш бўйича ҳам қарорлар қабул қилинди.*



Хусусан, Сенат ялпи мажлиси иккинчи иш кунида меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сенаторларнинг жойлардаги ўз сайловчилари билан учрашувларида, сайёр қабулларда, Сенатга келиб тушаётган мурожаатларда ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали давлат идоралари, корхона ва ташкилотлари меҳнат қонунчилигига етарли даражада риоя этмаётганлиги юзасидан сўнгги вақтларда фуқаролар томонидан эътирозлар билдирилмоқда. Шуни инобатга олиб, мазкур масала Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан ўрганилган.

Жумладан, 2023-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган бандлик ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ мурожаатларни ўрганиш натижалари кўрсатганидек, айрим давлат идоралари, корхона ва ташкилотларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти қониқарсизлигича қолмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига мазкур масалалар бўйича 167 314 та мурожаат келиб тушган бўлиб, мурожаатлар сони 2024 йилда 2023 йилдагига нисбатан 7 фоизга камайган бўлса-да, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда меҳнат ва бандлик соҳасидаги бошқарув билан боғлиқ масалаларга доир мурожаатлар сони ошган.

2024 йилда судларда кўрилган ишлар бўйича жойларда меҳнат қонунчилигига риоя қилмаслик оқибатида ҳуқуқи бузилган фуқаролар фойдасига иш берувчилардан 166 млрд. сўм иш ҳақи, 22 млрд. сўм мажбурий прогул учун ҳақ, 20 млрд. сўм маънавий зарар ва 17 млрд. сўм давлат божи ундириш ҳақида суд қарорлари қабул қилинган бўлиб, натижада айрим раҳбарларнинг ноқонуний буйруқлари натижасида жами 225 млрд. сўм миқдорида ёки 2023 йилдагига нисбатан 86 млрд. сўмдан кўп миқдорда зарар етказилган.

Меҳнат низоларининг аксариятини иш ҳақини ундириш, ишга тиклаш, компенсация ундириш, меҳнат таътили, ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этганлик билан боғлиқ низолар ташкил қилган.

Аҳолининг ҳақли эътирозлари кўпайиши ва адолатсизлик юзасидан фуқароларнинг шикоятлари сони кескин ортиши сенаторлар томонидан танқид қилинди.

Муҳокама натижасида мазкур масала юзасидан парламент сўрови юбориш бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга ошириляпти.

Жумладан, Конституциямизда боланинг тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Ота-она ёрдамига муҳтож болалар алимент таъминоти учун Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида “Алимент тўловлари” жамғармаси ташкил этилиб, 50 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Маълумотларга кўра Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан 2024 йил давомида 2,1 трлн. сўм маблағлар, шундан олдиндан тўлов сифатида 46,3 млрд. сўм миқдорида алимент пуллари ундирилган. 2025 йил январь ҳолатига кўра “Алимент тўловлари” жамғармаси ҳисобидан 1 723 нафар ундирувчига 40,6 млрд. сўм маблағ тўлаб берилган.

Шунингдек, ўтган йилда 13 252 та оила яраштирилган, ишсиз бўлган 25 113 қарздордан 8 201 нафари “Бандлик платформаси” орқали ишга жойлаштирилган.

Муҳокама давомида болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш ва тўлаш жараёнида айрим муаммо ва камчиликлар борлиги сенаторлар томонидан таъкидланди.

Хусусан, Бош қомусимизда ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгунига қадар ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги белгиланган бўлса-да, айрим ота-оналар ушбу мажбуриятига масъулият билан ёндашмаётгани ҳам айни ҳақиқат.

2023 йилда 5 697 нафар, 2024 йилда эса 8 833 нафар шахс фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда ўтган йилнинг ўзида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 1 109 та айблов ҳукми чиқарилган.

Муҳокама давомида иш жойи бўлмаган ва даромади аниқланмаган қарздорлардан алимент ундириш борасидаги айрим муаммоларга ҳам эътибор қаратилди.

Юқорида таъкидланганидек, шу йилнинг ўтган даври мобайнида “Алимент тўловлари” жамғармаси ҳисобидан 1 723 нафар ундирувчига 40,6 млрд. сўм маблағ тўлаб берилган бўлса-да, ушбу маблағларнинг атиги 2 фоизи, яъни 849,2 млн. сўми жамғармага қайтарилгани мазкур йўналишда ҳам таъсирчан чоралар кўриш лозимлигини тақозо қилади.

Бундан ташқари, Оила кодексининг 107-моддасига асосан вояга етмаган бола суд қарори билан ота-онасидан олиниб, болалар тарбия муассасасига жойлаштирилган бўлса, ота ва онанинг ҳар биридан мазкур бола фойдасига белгиланган миқдорларда алиментлар ундирилади. Бунда ундирилган алиментлар мазкур бола номига очилган банк ҳисобварағида жамланади ва у вояга етганда тўланади.

Бироқ вояга етмаган болалар номига банк ҳисобварағи очишнинг ҳуқуқий асослари белгиланмаганлиги учун бугунги кунга қадар алиментлар бошқа ҳисобварақларга тўлаб борилган.

Йиғилишда болаларга алимент ундириш ва оилани таъминлаш бошқа шаклларининг халқаро тартиби тўғрисидаги Гаага конвенциясига қўшилиш, “Алимент тўловлари” жамғармасини шакллантириш манбаларини кенгайтириш ва алимент мажбуриятларини ижро этиш ҳамда назорат қилишнинг ягона ахборот тизимини Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ғазначилиги электрон тизими билан интеграция қилиш вазифалари ижроси кечикаётгани сенаторлар эътирозига сабаб бўлди.

Муҳокама якунида юқорида тилга олинган долзарб масалаларни ўз ичига олган парламент сўровини Вазирлар Маҳкамасига юбориш тўғрисида Сенат қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Швецияда Ўзбекистон маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилди.

**«Бугунги кунда биз мард ва матонатли халқимизга, серғайрат ёшларимизга ишонганимиз учун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўймоқдамиз, маррани баланд олмоқдамиз. Келгусида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийлар қаердан пайдо бўлади? Бу улкан вазифаларни ким бажаради? Мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман. Албатта, бу эзгу ғояларни сизлар — бугунги Янги Ўзбекистон ёшлари амалга оширасизлар».**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ – ХАЛҚИМИЗНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

*Давлат ва жамият бошқаруви, қонун ижодкорлиги жараёни, умуман, барча соҳа ривожида ёшларнинг фикрлари ва саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг эртанги куни, фаровонлиги ҳам уларнинг қандай инсонлар бўлиб камолга етиши билан бевосита боғлиқ.*

*Сўнгги йилларда юртимизда ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ёш авлоднинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ва бандлигига кўмаклашиш, замонавий фикрлайдиган, профессионал тайёргарликка эга янги авлод кадрларини тайёрлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ёшлар сиёсати борасида рўёбга чиқарилаётган ишлар дунё миқёсида тан олинмоқда ва ислоҳотлар самарасини йигит-қизларимиз ўз кундалик ҳаётида сезмоқда, ҳис этмоқда.*

*Ёшларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб қилиш мақсадида Қонунчилик палатаси ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламенти бугун йигит-қизларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қонунчилик жараёнига жалб этишда муҳим платформа вазифасини ўтамоқда.*

*Ўтган қисқа муддатда ушбу тузилма ёш авлоднинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини юксалтириш, жамият ҳаётига дахлдорлигини кучайтириш, сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган муҳим институт сифатида шаклланди. Айниқса, ўғил-қизларнинг ўз фикрларини баралла айтиши учун юксак минбар бўлди.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари мамлакатда ёшларга доир олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.*



«Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради».

**Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддасидан.**

## Катта марралар ва режалар сари

*Донишмандларнинг шундай ҳикмати бор: “Агар мамлакат 1 йил ривожланаман деса, буғдой эксин, агар 10 йил ривожланаман деса, дарахт эксин, агар 100 йил равнақ топаман деса, ўз ёшларини ўстирсин, уларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратсин”.*



Дарҳақиқат, келажагимиз бунёдкорлари, эртамиз эгалари, тараққиётимизни таъминловчи асосий куч ёшлар экан, бу ҳикмат нақадар тўғри эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан олиб борилаётган ёшлар сиёсати нафақат миллий, балки умуминсоний қадриятларга асосланганлиги, ўзгармаслиги, узоқ истиқболга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Аслида, давлатдаги ижтимоий барқарорлик кўп жиҳатдан ёшларнинг барча қатламига йўналтирилган кучли ижтимоий ҳимоя, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имкониятларини юзага чиқаришда етарли шарт-шароит яратилганига боғлиқ. Бугун Ўзбекистонда йўлга қўйилган ёшларга оид давлат сиёсати мамлакатимиз ана шу вектор бўйлаб ривожланаётганини кўрсатмоқда.

Бинобарин, юртимизда сўнгги саккиз йил ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқаришда “катта сакраш даври” бўлди. Ўтган даврда ёшларга оид юздан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши, уларнинг таълим олиш, соғлигини сақлаш, уй-жойли бўлиш, ишга жойлашиш ва дам олиш ҳуқуқларини таъминлаш учун етарли шароит яратиши зарурлиги белгилаб қўйилди. Бугун Бош қонунимизда акс этган нормалар ҳаётга тўлиқ татбиқ этилмоқда.

Парламентнинг икки палатасида ҳам ташкил этилган Ёшлар парламенти йигит-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини юксалтириш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнига жалб этиш, янги қабул қилинган қонунларни ёшлар орасида тарғиб этиш орқали йигит-қизларнинг жамият ҳаётига дахлдорлигини кучайтириш учун хизмат қиладиган муҳим институт сифатида шаклланди. Бугун ушбу тузилма мамлакатимиз парламентаризми соҳасида ўз ўрнини топди ва том маънода, парламент ва ёшлар ўртасида кўприк вазифасини ўтамоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Ёшлар парламентида йигит-қизлар сиёсий етакчилик, демократия, парламентаризм мактаби қандай бўлишини амалда кўрди. Охирги сайловда ана шу ёшларимиздан икки нафари Қонунчилик палатасига, 250 нафари маҳаллий Кенгашларга депутат бўлиб сайланди.

Айтиш жоизки, ёшларнинг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини тасаввур этиш мумкин. Шу боис мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Ўтган вақт ичида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди.

30 июнь мамлакатимизда Ёшлар куни сифатида белгиланди. Қолаверса, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган мақсад ва вазифалар белгиланиб, ҳаётга изчил татбиқ этиб келинмоқда.

Президентимизнинг шу йил 14 февраль куни мамлакатимиз ёшлари билан мулоқоти навқирон авлод ҳаётида том маънода янги саҳифа очди. Ёшларнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлади. Зеро, унда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида илгари сурилган муҳим ташаббуслар зиммамизга катта масъулият юклайди ва биз бу борада фаол ишлаяпмиз.

Ёшлар парламенти эса ўз фаолиятини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳаётида бўлаётган ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда янада takomillaштириб, интилувчан, фидойи, ватанпарвар ёшларимизнинг сиёсий фаоллигини таъминлашга хизмат қиладиган платформага айланади.

**Отабек СОБИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси.**




## Ўзгариш ва ислоҳотларга камарбаста

*Ўзбекистон ёшларига сиёсий ва ижтимоий майдонда ўз овозини эшиттириш, нуқтаи назарини билдириш ва реал ислоҳотларда иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратиляпти.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти — ана шу имкониятларнинг рамзий ва амалий ифодаси, сиёсий мактаби, қонунчиликдаги биринчи қадами ва энг асосийси, бу соҳада келажакни такомиллаштириш омили ҳисобланади.

Ушбу тузилма самарали ишлаши учун у расмий платформа бўлиб қолмаслиги лозим. У муаммоларни тан олиш ва уларни тизимли ҳал этиш орқалигина ёшлар ишончини қозона олади. Чунки Ёшлар парламенти аъзолик билан эмас, балки фаол иштирок, ташаббус ва жавобгарлик билан қадрланади. Ёшлар парламенти аъзолари эса йигит-қизларнинг сиёсий партиявийлик ва парламентдаги фаоллиги орқали реал ўзгаришлар қилишга қодир бўлиши мумкин.

Мазкур институт ҳақиқий сиёсий мактаб ва навқирон авлод овозининг ҳаққоний ифодачисига айланиши учун ёшларнинг фикри очиқ эшитилиши, танлови эркин ва шаффоф, тавсиялари қонуний кучга эга бўлиши зарур. Муҳими, унга ишонч бўлиши ва ёшлар бу тузилмани ўзларининг минбари деб ҳис қилиши керак.

Келгусида фақат рамзий ёки расмий кўринишга эга бўлиб қолмасдан, реал сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида ролини ошириш даркор. Бу Ёшлар парламентининг нафақат “мактаб”, балки “сиёсий лифт” эканини ҳам исботлайди.

Яна бир муҳим гап. Ёшлар парламенти аъзоларига ҳар йили парламент фаолияти симуляцияси ўтказилиб, реал қонунчилик тажрибаси берилиши лозим. Бу нафақат рамзий, балки амалий жиҳатдан ҳам уларни тенг сиёсий субъектга айлантиради. Бу орқали янги таркибдаги Ёшлар парламенти вакиллик, таъсирчанлик, очиқлик ва сиёсий боғлиқлик даражаси бўйича намунали тизимга айланади.

Қонунчилик палатаси ҳузуридаги ушбу тузилманинг ҳар учала чақириғи аъзолигига сайланган шахс сифатида келгуси фаолиятимизда ёшларга оид устувор масалаларда амалий ечимлар амалга оширишни ният қилганман. Хусусан:

*биринчидан,* таълим соҳасида ижтимоий тенглик ва замонавийлик асосида қонуний ташаббусларни илгари суриш, бунда грантларни ижтимоий мезонлар асосида дифференциаллаш ва қонунийлаштириш;

*иккинчидан,* ёшлар ўз ҳунари, ғояси ёки стартапи билан иқтисодий мустақилликка эришишларига кўмаклашиш, фриланс ва рақамли меҳнатнинг ҳуқуқий асосини яратиш;



*учинчидан,* Ёшлар парламенти аъзоларига берилаётган имконият реал қонунчилик амалиёти — келажак учун таклиф, стратегик тафаккурга асосланган дипломатия мактабини шакллантиришга эришиш. Бу орқали миллий парламентимизни чуқур ўрганган ва миллий шароитга мослаштирган интеллектуал элита етишиб чиқади. Дипломатик анъаналар янги авлод учун қайта шакллантирилади.

Ёшлар парламенти — бу оддий бир сиёсий аъзолик эмас, балки етук фуқаролик позицияси, ижтимоий онг, масъулият ва ислоҳотларга фаол муносабат. Бу орқали нафақат ўз тақдиримизга, мамлакат келажагига ҳам бевосита таъсир кўрсатишимиз мумкин.

**Шоҳруҳ ЎКТАМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари, ЎзХДП ёшлар гуруҳи раҳбари.**

## Навқирон авлод ташаббуслари парламент минбаридан янграйди

*Ёшлик — инсоннинг қувватга тўлган ва ҳаракатчанлиги зиёда бўлган даври. Бу давр инсон ҳаёт йўлларининг чорраҳасида турган пайти ҳамдир. Агар ўша чорраҳада инсон яхши йўлга кириб қолса, ўзи, оиласи, қариндошлари, халқи, Ватани учун жуда катта яхшилик сари юз тутган бўлади.*



Ёшлар ҳар бир миллат келажаги эканини ҳисобга оладиган бўлсак, уларга эътибор беришнинг аҳамияти яна ҳам ортади. Зотан, ҳар бир шахснинг ким бўлиши ёшлигидан аён бўлади, унинг камолоти айнан ёшликдан бошланади. Ёшлик пайтида шаклланиб қолган сифатлар инсонга умр бўйи ҳамроҳ бўлади.

Бугун ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида — давлат бошқаруви, иқтисодиёт, илм ва таълим, спорту маданиятда йигит-қизларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий Мажлис палаталари қошида Ёшлар парламентлари иш олиб боряпти. Юртимиздаги ҳар бир ташкилотда ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчи фаолият кўрсатаётир.

Давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати халқаро миқёсда тан олинмоқда. Масалан, ўтган йили Ёшлар тараққиёти индексига кўра Ўзбекистон ёшлар сиёсати соҳасида энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири деб эътироф этилди. Навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш, уларни давлат ва жамият бошқарувига, муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга кенг жалб этиш бўйича 60 дан зиёд ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан маъқулланди.

Ёшлар парламенти аъзолиги, энг аввало, ёшларга давлат бошқаруви, қонун ижодкорлиги, ижтимоий фаоллик ва нотиқлик кўникмаларини чуқурлаштириш имкониятини берди.

Янги аъзолар таркибида давлат мукофотлари соҳиблари, хорижда таҳсил олган ёшлар, илмий иш олиб бораётганлар ва чет тилларни билувчи вакиллар борлиги диққатга сазовор. Бу эса парламентга чуқур билимли, фаол, ташаббускор ва халқаро майдондаги жараёнларга мослаша оладиган ёшлар кирганини англатади. Энди эртамиз эгаларининг муаммолари ва ташаббуслари бевосита парламент минбаридан янграйди.

Ёшлар парламенти — нафақат ташаббус, балки фаолият майдонига айланиши мумкин бўлган институт. Шундай экан, иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётимизга фойда олиб келадиган ёшлар сонини ошириш барчамизнинг асосий вазифамизга айланиши керак.

**Ҳуснора АҲАДОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари.**

## Давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчи кучи

*Аҳолисининг қарийб 60 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этадиган янги Ўзбекистонда кейинги йилларда навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, муносиб таълим олиши, истеъдод ҳамда қобилиятини рўёбга чиқариши учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.*



Ўтган қисқа муддатда ушбу йўналишда 100 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилиниб, улар асосида янги имкониятлар яратилди. Ёшлар билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ҳар қачонгидан-да мустаҳкамлангани ҳам алоҳида муҳим жиҳатлардан.

Йигит-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб қилиш мақсадида ташкил этилган Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти бугун ёшлар билан давлат ўртасида кўприк вазифасини бажариб келмоқда.

Бинобарин, бу тузилма ўтган давр мобайнида ўз олдига қўйган мақсад ҳамда вазифаларига эришди ва бу билан мамлакат парламентаризми соҳасида ўз ўрнини топди. Ёшлар парламенти палата фаолиятига янгича мазмун-моҳият олиб киришда чинакамига ўз ҳиссасини қўшаётир.

Ёшлар парламенти аъзолари қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига йигит-қизларни жалб этиш ва қабул қилинаётган қонунларни ёш авлод орасида кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишда фаол иштирок этмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун лойиҳаларида акс эттиришда фаоллик кўрсатмоқда.

Хусусан, халқимиз ҳаётини яхшилашга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ҳам ёшлар вакиллари доим ўз таклиф ва тавсиялари билан самарали қатнашиб келяпти. Бу каби янги ташаббуслар, шубҳасиз, интилувчан, салоҳиятли, ёшлар орасида ўз обрўсига эга Ёшлар парламенти вакиллари учун жуда яхши имконият бўлади.

Янги таркиб олдида ёш авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини парламентда муҳокама этиш, ёшларнинг қонун ижодкорлигида иштирокини таъминлаш, бўлажак депутатлар, сиёсатшуносларни тайёрлаш ва ўз мақсадлари ва лойиҳаларини амалга ошириш каби юксак вазифалар турибди.

Бу йилги “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” Давлат дастурида ёшларнинг баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлашга қаратилган кўплаб устувор вазифалар ва мақсадлар белгиланган бўлиб, уларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишида Ёшлар парламентининг ўз ўрни бўлади. Ёшлар парламенти аъзолари сиёсий ва ҳуқуқий соҳада эгаллаган билим ҳамда кўникмаларини янада мустаҳкамлаб, ҳаётга изчил татбиқ этиш орқали парламентимизнинг келажакдаги чинакам ворисларига айланади.

**Моҳинур ЭРГАШ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси ёшлар гуруҳи раҳбари.**

## Юртимиз тараққиётида фаол иштирокчи

*Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшларга бўлган эътибор мисли кўрилмаган даражага кўтарилди. Уларнинг ташаббуси, ғоялари, инновацион фикрлари давлат сиёсатининг марказида. Бу, албатта, ҳар бир йигит-қизга ғурур ва ишонч бағишлайди.*

Президентимиз ташаббуси билан 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” деб эълон қилингани ҳам юртимизда ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ташаббусларини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Олий Мажлиснинг ҳар икки палатаси ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламентлари орқали йигит-қизлар қонун ижодкорлиги жараёнларида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлди.



Ўтган даврда бу тузилма ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари ва кўникмаларини юксалтириш, қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб этиш, қонунларни ёшлар орасида тарғиб қилиш орқали уларнинг жамият ҳаётига дахлдорлигини кучайтиришга хизмат қиладиган муҳим институт сифатида шаклланди.

Ушбу ислоҳотлар жараёнида Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг аъзолари муносиб иштирок этди. Жумладан, палатага киритилган қонун лойиҳалари юзасидан Ёшлар парламенти аъзолари томонидан кўплаб таклифлар тайёрланди, ёшларнинг қонун ижодкорлигининг барча босқичидан хабардорлигини оширишга қаратилган семинар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Бугунги кунда биз, Ёшлар парламенти аъзолари “Устоз — шогирд” анъанасига содиқ қолган ҳолда Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзолари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, қатор йўналишларда самарали ишлар олиб боришга бел боғлаганмиз. Жумладан, навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид таклифлар ишлаб чиқиш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммоларни ёшлар иштирокида муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бу орқали нафақат ўғил-қизларнинг ҳуқуқий маданияти юксалмоқда, балки улар мамлакат тараққиётида фаол иштирокчи сифатида шаклланмоқда.

Янги Ўзбекистонда ёшлар нафақат келажак, балки бугунги тараққиётнинг ҳам ҳал қилувчи кучига айланаётгани қувонарлидир.

**Шерзодхон ИСЛОМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари, «Адолат» СДП ёшлар гуруҳи раҳбари.**

**24 — 26 июнь кунлари Тошкент шаҳрида «MINEX Central Asia — 2025» халқаро геология ва кончилик форуми ўтказилди.**

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК:

# ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА УЙҒУНЛИК

## Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий юксалиши инсоннинг интеллектуал фаолияти ҳосиласидир

*Мамлакатимизда саноатда қўлланиладиган ихтиролар, фойдали моделлар, селекция ютуқлари ва бошқа интеллектуал мулк объектлари яратилишини қўллаб-қувватлаш, билим ҳамда инновацияларга асосланган иқтисодиётни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.*



> ***Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини жадаллаштириш, жумладан, тадбиркорлик субъектларини ҳамда илм-фан ва илмий фаолият билан шуғулланувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш ва бошқа турли йўналишларда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада интеллектуал мулк масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Жумладан, 2019 йилдан бугунги кунга қадар интеллектуал мулкка оид 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар шулардан 50 га яқини қабул қилинган. Бу эса ЖСТнинг ТРИПС битими қоидаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилишни 90 фоизга етказиш имконини берди.***

### Қонун моҳияти

Сўнгги йилларда аҳолининг, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг интеллектуал мулк соҳасидаги хабардорлик даражасини ошириш, яратилган интеллектуал фаолият натижаларини муҳофаза этиш жараёнларини рақамлаштириш орқали ортиқча талабларни бекор қилиш ҳамда интеллектуал мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ишончли тарзда муҳофазалаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда патент божлари, жумладан, халқаро тизимлар орқали ундириладиган индивидуал бож миқдорлари ўртача 8 баробар камайтирилди. Ихтиро ва фойдали моделларни муҳофаза қилиш учун кичик тадбиркорлик субъекти, олий таълим ва илмий ташкилотларга 25 фоиз миқдорида имтиёз берилди.

Натижада 2020 йилдагига нисбатан 2024 йилда ихтиро сони 10 фоизга, фойдали модель 160 фоиз ва саноат намунаси 7 фоиз ошди. Рўйхатдан ўтказилган интеллектуал мулк объектлари сони эса 2024 йилда 21 985 тани ташкил қилиб, 2023 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўпайди.

Шу билан бирга, бу борадаги ислоҳотларни янада жадаллаштиришга бўлган талаб интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштириш, интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш заруратини юзага келтирмоқда.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг 25 июнь куни Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Қўмитамизда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тегишли доимий комиссиялари аъзолари, мутахассислар ва экспертлар, масъул вазирлик ҳамда идоралар вакиллари иштирокида дастлабки муҳокамадан ўтгач, ялпи мажлис кун тартибига киритилган мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнини соддалаштириш, айрим интеллектуал мулк объектларини экспертиза қилиш муддатларини қисқартириш, рўйхатдан ўтказиш жараёнларида ортиқча ҳужжатлардан воз кечиш каби масалаларни ўз ичига олган. Бундан ташқари, патент божларини тўлашда қўшимча қулайликлар жорий этиш ҳамда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш ҳам назарда тутилмоқда.

Жумладан, "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгартиришга кўра, бундай машиналар учун дастурларни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома келиб тушганидан сўнг керакли бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ушбу Қоидаларнинг талабларига мувофиқлиги юзасидан ўтказилиши назарда тутилган текшириш муддати ўн кун этиб белгиланмоқда.

Шунингдек, саноат мулки объектларини рўйхатга олишда патентни тасдиқлаш тартиби енгиллашмоқда. Бунда саноат мулки объекти рўйхатга олинганда патент талабнома берувчига автоматик тарзда, электрон тизим орқали юборилади.

Бундан ташқари, мазкур қонун интеллектуал мулк объектларини яратиш, муаллиф, ижодкор, ихтирочиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, 7 та қонун ҳужжатига ахборот технологияларини жорий этиш, айрим турдаги интеллектуал мулк объектлари экспертизаси муддатини қисқартириш, ортиқча ҳужжатлардан воз кечиш ва интеллектуал мулк эгаларига қулайликлар яратишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилди.

Яна бир муҳим жиҳати, ушбу қонунда интеллектуал мулк эгаларининг мулкий ҳуқуқларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик чоралари кучайтирилиб, бузилиши жавобгарликка сабаб бўладиган интеллектуал мулк объектлари доираси кенгайтирилди. Эндиликда қонунчиликда товар белгиси бўйича ишлаб чиқарилган контрафакт маҳсулотлар ҳуқуқбузар ҳисобидан муомаладан олиб қўйилиши ва йўқ қилиниши назарда тутилади.

Шунингдек, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун маъмурий жарима миқдори оширилди, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик, патентга оид (ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ва селекция ютуғи) ҳуқуқбузарликлар содир этишда фойдаланилган ашёларни мусодара қилиш қўшимча маъмурий жазо чораси ҳамда адлия органларининг контрафакт товарларни кўздан кечириш ва хатлаш ваколатлари киритилди.

Хўш, бундай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати қаердан пайдо бўлди?

Биринчидан, 2024 йилда Ўзбекистон ратификация қилган Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги Сингапур шартномаси (2006 йил 27 март) қоидаларига мувофиқ товар белгиларини рўйхатдан ўтказишда электрон шаклдаги талабномалар аъзо давлатлар томонидан қабул қилиниши мумкинлиги тўғрисида қоида белгиланган. Шу нуқтаи назардан, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказишда электрон шаклдаги ҳужжатларни қабул қилишни жорий этиш орқали соҳага халқаро стандартлар жорий қилинади.

Иккинчидан, бугунги кунда товарлар, хизматлар, ихтиро ва ишланмалар айланмасининг тез суръатларда ривожланиши соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этишни тақозо қилмоқда. Шу боис қонунларимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларига мувофиқлаштирилиши лозим эди.

Учинчидан, интеллектуал мулк эгалари, хусусан, ихтирочилар, дизайнерлар, селекционерлар томонидан яратилган ишланмаларни рўйхатдан ўтказишда айрим қулайликлар бериш зарурати ҳам юзага келганди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини жадаллаштириш, жумладан, тадбиркорлик субъектларини ҳамда илм-фан ва илмий фаолият билан шуғулланувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш ва бошқа турли йўналишларда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада интеллектуал мулк масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Жумладан, 2019 йилдан бугунги кунга қадар интеллектуал мулкка оид 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар шулардан 50 га яқини қабул қилинган. Бу эса ЖСТнинг ТРИПС битими қоидаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилишни 90 фоизга етказиш имконини берди.

Шунингдек, амалга оширилган ислоҳотлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилди ва АҚШ Савдо вакиллигининг 2024 йил учун эълон қилинган 301-махсус ҳисоботида (Special 301 Report) Ўзбекистон илк бор 24 йил ичида "интеллектуал мулк ҳуқуқлари етарли ва самарали ҳимоя қилинмайдиган давлатлар" рўйхатидан чиқарилди.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг Сенат ялпи мажлисида маъқулланиши мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига ва инновацион жиҳатдан юксалишига самарали таъсир кўрсатувчи интеллектуал мулк тизимини такомиллаштиришга, жамиятда интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришга ҳамда интеллектуал мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.**

---

Яшил макон

# Экошаҳарда япон боғи бунёд этилади

*Фарғона шаҳрида қад ростлаган Экошаҳарда жаҳон андозалари даражасида яшил ҳудудлар, ҳордиқ масканлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, 70 гектар майдонда қурилаётган "Янги Ўзбекистон" боғига ноёб манзарали дарахтлар экилиб, хиёбонлар яратилди.*

Шу кунларда Экошаҳарда япон боғи, меҳмонхона ва ресторанлар мажмуаси лойиҳасини амалга оширишга киришилаётгани бу борадаги ишлар кўлами анча кенглигидан далолат беради.

Фарғона вилояти ҳокимлигида ўтказилган учрашувда Окуда Такефуми бошчилигидаги япониялик делегация аъзолари билан лойиҳа истиқболлари кўриб чиқилди. Меҳмонларга ўзига хос туризм ва маданият марказига айланиб бораётган ушбу масканда яқин келажакда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари хусусида маълумот берилди.

Лойиҳа ташаббускори Окуда Такефумининг қайд этишича, япон компанияси томонидан режалаштирилган "Shogun City" лойиҳасининг умумий қиймати 15 миллион доллар. Экошаҳарда замонавий ва кўркам мажмуа барпо этилиши кўзда тутилган.

Юзма-юз мулоқотда қурилиш ишларини тез орада бошлашга келишиб олинди.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

# Меҳрдан нур олган умид чироғи

*Ҳар бир инсон ҳаётида шундай лаҳзалар бўладики, айтилган бир илиқ сўз ҳам бутун тақдирни ўзгартиришга қодир. Шу маънода, Денов туманидаги "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар кўмакка муҳтож инсонлар ҳаётига нур улашмоқда, десак, муболаға эмас.*

### Ижтимоий ҳимоя



Марказ иши фақат "моддий ёрдам кўрсатиш" билан чекланиб қолмаяпти. Бу — одамларнинг дардини эшитиш, улар билан бирга яшаш, ҳис қилиш, муҳими, уларни эътиборсиз қолдирмасликда ҳам намоён бўлмоқда.

Зилола Қодирова — марказнинг фаол ижтимоий ходимларидан бири. Унинг ташаббуси билан Шаҳринав маҳалласида яшовчи Ахтам Бобоёров оиласига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Оила камбағал оилалар реестрига киритилган. Ахтам ака ҳаётнинг кўп аччиқ қисматларини тотди. Бевақт оламдан ўтган ўғлидан қолган набирасига васийлик қилиш ҳам Ахтам аканинг зиммасида эди. Соғлигидаги муаммолар боис жисмоний меҳнатдан чекланди. Бу оилани камбағаллик домига тортди.

Оиладаги муҳитдан яхши хабардор ижтимоий ходим саъй-ҳаракати билан ҳомийлар ёрдамида томорқадаги бўш турган ерга экин экилди, уй таъмири учун моддий ёрдам ажратилди. Набираси шахмат тўгарагига жалб қилинди. Оила аъзолари тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, болалар нафақаси ва "камбағаллик эътирофи" гувоҳномаси расмийлаштирилди.

— Оиламизга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар учун, аввало, Юртбошимиздан миннатдорман, — дейди Ахтам Бобоёров. — У кишининг инсонпарвар сиёсати туфайли бугун дардимизни эшитадиган, беминнат кўмак кўрсатадиганлар бор. Зилолахон тез-тез уйимизга келади, ҳолимиздан хабар олади. Бирор кўмак кераклигини сезса, дарҳол ёрдамга шошади.

Бугун Тотувлик маҳалласида одамлар тотувликни ҳис қилишида маҳалланинг ижтимоий ходими Феруза Раимқулованинг хизмати катта. У ҳар куни уйма-уй юриб, кўмакка муҳтожлардан ҳол сўрайди. Ёрдамга муҳтож оилаларга ўз вақтида хизмат кўрсатади. 1-гуруҳ ногирони Маҳмуд Тўраевнинг қўлтиқтаёққа эҳтиёжи бор эди. Фақат ушбу мосламани бериш билан чекланилмади. Унга уйида қараб туриш хизмати йўлга қўйилди. Оиласи учун болалар нафақаси тайинланди. Электр энергияси учун тўловлар ҳам тўлаб берилди. Санаторийда даволаниши учун навбатга қўйилди.

Бундан ташқари, шу маҳаллада яшовчи Олим Нурматовнинг вафот этган қизидан қолган икки нафар набираси учун васийлик расмийлаштирилди. Ногирон укасига кундузги парвариш хизматлари ташкил этилди.

Сирасини айтганда, бу ёрдамлар статистика учун қилинаётган ишлар эмас. Аксинча, одамлар ҳаётида "инсон қадри устувор" тамойилининг амалдаги ифодаси, кундалик ишга айланган эзгу ишларнинг натижасидир. Бу ижтимоий ходимлар фақат хизматчи эмас, балки қалб шифокори, сукунатни бўлувчи нурли элчиларга айланаётганига бир мисол.

Бу одамлар қалбида умид ва ишонч уйғотмоқда.

**Фарҳод ЭСОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

## Жаҳонда қанча миллиардер бор?

*"The Guardian" нашрининг "Oxfam" хайрия ташкилоти тадқиқотларига таяниб ёзишича, сўнгги ўн йилда дунёдаги 3 минг миллиардернинг бойлиги 6,5 трлн. долларга ўсди. Бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 14,6 фоизига тенг.*

Яъни энг бадавлат 1 фоиз одамнинг бойлиги қарийб 33,9 трлн. долларга кўпайган ва бу маблағлар "глобал қашшоқликни 22 марта тугатиш учун етарли" экани таъкидланади.

Буюк Британияда миллиардерлар сони 1990 йилда 15 нафар эди. 2024 йилда улар 165 нафарга кўпайди. "Equality Trust" маълумотларига кўра, уларнинг ўртача бойлиги худди шу даврда 1000 фоиздан ошган.

"Oxfam" сўрови шуни кўрсатдики, одамларнинг 86 фоизи бой ва йирик корпорацияларга "солиқ имтиёзлари"дан фойдаланишга имкон берадиган "бўшлиқларни ёпиш" орқали давлат хизматлари харажатларини қоплаш ғоясини қўллаб-қувватлайди.

## Гиёҳвандлик — глобал муаммо

*БМТнинг Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг маълум қилишича, 2023 йилда дунё бўйлаб гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчилар сони 316 млн. кишига етган. Бу кўрсаткич 2022 йилда 292 млн. нафарни ташкил этган эди.*

Жаҳон ҳамжамиятини кокаин савдосининг тез суръатлар билан ўсиб бораётгани хавотирга солмоқда. Ушбу гиёҳвандлик воситасини ноқонуний ишлаб чиқариш 2023 йилда 3708 тоннагача ошган. Бу 2022 йилдагига нисбатан 34 фоизга кўп.

Бошқарма ижрочи директори Гада Валининг айтишича, уюшган наркотрафик гуруҳлари ўз мақсадлари йўлида жаҳон инқирозларидан фойдаланмоқда ва аҳолининг заиф гуруҳларини нишонга олмоқда. Шу боис халқаро ҳамжамият жиноий тармоқларга қарши янада фаолроқ курашиши керак. Айтилишича, гиёҳвандлик моддалари истеъмоли оқибатида биргина 2021 йилнинг ўзида ярим миллионга яқин ўлим қайд этилган.

## Якуний имтиҳон фожиага айланди

*"Reuters" агентлигининг хабар беришича, Марказий Африка Республикаси пойтахти Банги шаҳридаги лицейда электр подстанцияси портлади. Бунинг оқибатида юзага келган тиқилинч туфайли камида 29 нафар мактаб ўқувчиси ҳалок бўлди ва кўплаб ўқувчилар тан жароҳати олди.*

Таълим вазирлигининг хабарига кўра, фожиа Банги шаҳридаги ўрта мактабда жойлашган имтиҳон марказида олтита мактабнинг 5 мингдан ортиқ ўқувчилари якуний имтиҳон топшираётган пайтда содир бўлган. Портлаш натижасида юзага келган ваҳима фожиали тиқилинчни келтириб чиқарган.

## Ер сайёраси тарихидаги энг қисқа кунлар

*Ернинг айланиш параметрларини аниқ ҳисоблаш билан шуғулланувчи астрофизик Грем Жонснинг айтишича, жорий ёзда сайёра тарихидаги энг қисқа кунлар қайд этилади. Бу 9 июль, 22 июль ёки 5 августда юз беради.*

Сўнгги беш йил ичида ҳар йили энг қисқа кунлар кузатилаётир. 2020 йилда улар стандартдан 1,05 миллисекундга кам бўлган, ўтган йили 5 июлда эса 1,66 миллисекундга оғиш қайд этилган. Бундай аномалия аҳамиятсиздек кўринса-да, аммо сайёра миқёсида катта илмий аҳамиятга эга.

Жорий йилги прогноз Ойнинг ҳисобланган ҳолатидан келиб чиқиб тузилди. 9 июль, 22 июль ва 5 август кунлари у Экватор текислигидан энг кучли оғиши кутилмоқда. Бироқ бу Ернинг айланиш тезлигига таъсир қилувчи ягона омил эмас, шунинг учун аниқ хулосалар чиқаришга ҳали эрта. Мутахассислар бундай пайтларда Ер айланиши тезлашиши ҳодисасини узил-кесил тушунтириб бера олмайди.

## Хитой қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланишда пешқадам

*"Asia Society Policy Institute" тадқиқот институти ҳисоб-китобларига таяниб, "The Guardian" нашрининг хабар беришича, жорий йилнинг январидан май ойигача Хитойда умумий қуввати 198 ГВт бўлган қуёш электр станциялари ва 46 ГВт қувватга эга шамол электр станциялари ишга туширилди. Бу — Хитойда шундай электр станцияларини қуриш бўйича рекорд кўрсаткич.*

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Хитой қайта тикланадиган энергияни ривожлантиришга тобора кўпроқ интилмоқда. Хусусан, ушбу мамлакатда электромобиллар, улар учун аккумуляторлар, қуёш электр станциялари учун панеллар ва бошқаларни кенг кўламда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Шуни таъкидлаш кераккки, "яшил" энергия бошқа мамлакатларда ҳам ривожланмоқда. 2024 йил охирига келиб, Европадаги барча электр энергиясининг деярли ярми қайта тикланадиган манбалардан, шу жумладан, 17,4 фоизи шамол электр станцияларидан олинган.

**Интернет хабарлари асосида**
**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

---

**Мўғулистонда илк маротаба «Ўзбекистон маданияти кунлари» бўлиб ўтди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.30 Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5 6